

КОММУНИЗМ ПРОГРАММАСИ АМАЛДА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАЖМАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 217 (2250).

31 октябрь, чоршанба, 1962 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИМИЗ

Коммунизм қураётган инқилор совет ҳалқи, бутун прогрессив инсоният партияси янги Программаси қабул этилган куннинг бир йиллигини зўр тантана билан нишонламоқдалар. Замонавий коммунист манифести деб ном олган бу улкан ҳужжатда Советлар мамлакатининг кенг истиқбол йўли, совет кишиларининг ҳозирги фаровон ҳаёти, яна ҳам гузал, порлоқ келажаги равшан кўрсатиб берилган.

Совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизмда яшайди. Партия ўз Программасида бу ҳақиқатни тантанали равишда эълон қилди. Ҳа, биз коммунизм авлодларимиз, бу билан фахрланамиз. Коммунизм совет кишилари учун қандайдир узоқ келажак эмас, балки ҳозирги куннинг амалий вазифасидир. Коммунизм ҳаётимизга тобора кенг кириб келмоқда. Бир вақтлар фақат орауғина бўлган коммунизм ҳозирги вақтда замонавийнинг энг буюк, ҳаётий кучига айланди.

Партиянинг тарихий XXII съезди томонидан қабул қилинган коммунизм қуриш Программаси эълон қилингандан бери ўтган бир йиллик жуда қисқа вақтда Улуғ Советлар мамлакатига олган тўмон жуда катта ҳадамм ташлади. Саноатимиз эришган ютуқлар бутун жаҳонни ҳайратда қолдирибди. Саноат ҳодимлари партиянинг XXII съезди тарихий қарорларини бажариш учун астойдил кураш олиб бориб, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 9 ойлик реалнинг ошдириб бажарди. Совет Ўзбекистонининг саноати эришган ютуқлар бениҳоят каттадир. Етти йилликнинг уч ярми йил мобайнида 250 дан ортиқ саноат корхоналарининг қоруслари қад кўтарди. Областида Оҳанга ва Гроин ГРЭСи электр токи бераётганда. Цемент заводининг иккинчи технология линияси ишга туширилди. Мамлакатимиз металлургиясининг корхоналаридан бири бўлган Олтинтопан кўроғини-рух ва мис комбинати барпо қилинди. Тошкентдаги санитария-техника ускуналари заводи ва бошқа корхоналар ишга туширилди.

Улуғ Октябрь шарафига социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб бораётган областимиз саноат корхоналари ҳодимлари 10 ойлик саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш реалнинг ортиги билан адо этилди. Ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми анча кўйди. Области миз саноат корхоналарининг меҳнаткашлари партиянинг XXII съезди қўрсатмаларига амал қилиб, меҳнат умумдорларини тинмай оширмоқдалар. Меҳнатни ва моддий ресурсларни энг кам сарфланган ҳолда, маҳсулотни тобора кўп ва сифатли ишлаб чиқариш учун курашмоқдалар.

Мамлакатта тобора кўпроқ дон, гўшт, сўт, ет, пахта, жун, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилади, коммунист мўл-кўлини учун курашайлик. Республикаимиз, областимиз меҳнаткашлари партиянинг XXII съезди қўрсатмаларига амал қилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан, айниқса пахтадан мўл ҳосил этиштиришда зўр жойбозлик кўрсатиб, ишламоқдалар.

Пахта — Ватанимизнинг жуда катта бойлигидир. Ўзбек ҳалқи пахта етиштиришни мамлакатимиздаги қардош халқлар олдидаги, социалистик мамлакатларнинг қудратли ҳамдўстлиги олдидаги энг муҳим ватанпарварлик ва интернационал бурчи деб билади. Кадронимиз Н. С. Хрушчев пахта — олтиндан ҳам қиммат нарсга деб ба-

ҳолади. Республикаимиз пахтакорлари ва механикдорлари бу йил мамлакатта 3 миллион 350 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун бир тан, бир жон бўлиб кураш олиб бормоқдалар. Областиимиз пахтакорлари Ватан хирмонига 350 минг тоннадан ортиқ пахта тўкди. Қўйи Чирчиқ районининг азамат пахтакорлари республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш давлат реалини бажардилар. Оржоникиде, Юқори Чирчиқ, Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ районлари ҳам маррага яқинлашмоқда. Кеча Юқори Чирчиқдаги «Правда», Ўрта Чирчиқдаги «Полярная звезда», Янгирдаги «Коммунизм» колхозлари пахта тайёрлаш давлат реалини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Бу азамат пахтакорларимиз, механикдорларимизнинг Улуғ Октябрьнинг 45 йиллигига ажойиб совғаси, КПСС XXII съезди қарорларини амалга ошириш учун, мамлакатта тобора кўп, сифатли ва аран пахта етказиб бериш йўлидаги фидокорона меҳнати самарасидир.

Коммунизм совет кишиларининг фидокорона меҳнати билан барпо қилинади. Коммунизм — мамлакатта тобора кўп металл, нефть, электроэнергия, кўмир, дон, гўшт, сўт, ет, жун, пахта ва бошқа маҳсулотларни мўл-кўл ишлаб чиқариш, совет кишиларининг бахтиёр ва фаровон ҳаёт кечирishi учун барча имкониятларни вужудга келтириш демакдир. Буни совет кишилари ўз ҳалол меҳнатлари, ақл-идроклари билан бунёд этидилар. Фақат меҳнат, меҳнат ва меҳнат билангина ана шундай ерқин жамият биноси барпо этилади.

Партияимизнинг янги Программасида юксак коммунистнинг интилим, меҳнатсеварлик ва олгинлом, жамият манфаатларига садоқат — коммунистнинг жамият кишисига хос сифатларидир дейилган. Биз коммунизм курувчисининг ахлоқ кодекси асосларида ифодаланган юксак ҳалол эгаларини, коммунизм кишисини тарбиялашимиз керак. Пролетар интернационализм

ва социалистик ватанпарварлик, инсон шахсининг ҳар томонлама ва гармоник ривожланиш учун барча шароитларни вужудга келтириш, кишилар онгидоги ва ҳуждатворидоги капитализм сарқитларини тугатиш, буржуазия идеологиясини фойс этиш — янги Программада қўйилган муҳим вазифалардир.

Тарихий тараққий, турмуш, халқаро воқеаларнинг ривожланиши партияимиз XXII съезди, янги Программада ифодаланган юксак голлар энг ҳаётий энг тўғри, халқ эркин-иродасини ифодаловчи голлар энгиллигини исботламоқда. «Коммунизм, — дейилди янги Программада, — барча кишиларни социал тенгсизликдан, зулми ва эксплуатациянинг барча формаларидан, уруш дахшатларидан халос қилишдек тарихий вазифани бажаради ва ер юзидаги барча халқларга Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-Саодат барқарор қилади».

Улуғ Советлар мамлакатига коммунизм сари олга бораётган улқадир, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматиининг сиёсати ҳақиқатан ҳам ер юзидаги барча халқларга тинч, озод ва бахтиёр ҳаёт бахш этишга қаратилгандир. Америка Қўшма Штатлари империалистлари озод Кубага нисбатан блокада уюштириб, жаҳонни атом уруши ёқасига тормоқчи бўлаётган бир вақтда Совет Иттифоқи ҳукуматиининг тинчликни сақлаш ва мустақамлашга қаратилган оқилона ва мардона сиёсати бутун жаҳон жамоатчилигини яна бир бор ноил қолдирди.

Биз олга томон, коммунизм томон дадил бораверамиз. Халқлар дўстлигининг улуғ қонуни ҳукмрон бўлган, инсон инсонга дўст, қардош бўлган Советлар дидерия меҳнатсевар халқимизнинг олға томон ривожланишини тўхта оладиган куч дунёда йўқ!

Марксизм-ленинизмнинг буюк ҳаётбахш таълимоти билан сўғрилган янги Программаимиз коммунизм йўлини йўлчи юлдуздек еритиб турибди.

АРМАНИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ҚАБУЛ

ЕРЕВАН, 29 октябрь. (Арм. ТАГ-ЎзТАГ махсус мухбирлари). Бугун Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Н. Заробян Арманистондаги Ўзбекистон ҳафталиги ва санъати ҳафталиги қатнашчиларини қабул қилди.

Я. Н. Заробян меҳмонларини табриқлаб айтиди, қардош республикалар адабиёти ва санъатининг Арманистонда ва Ўзбекистонда ўтказилган ҳафталиклар халқларимиз маданиятининг катта байрамидир.

Сўнгра ўртоқ Заробян Ўзбекистонга бориб, жуда мамун бўлганлигини айтиди. Ўзбекистон саноати, фани ва маданиятининг барқ уриб ўсиши жуда катта таассурот қолдирган.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раҳбарининг биринчи секретари Юмил Яшин Ўзбек адабиёти ва санъатининг Арманистондаги ҳафталигида қатнашган кишилар унутилмас таассуротлар олганликларини айтиди.

Сўнгра Юмил Яшин ҳафталик қатнашчилари Тигра янининг «Ануш» операсини тинглаганликларини айтиди.

Ўртоқ Заробян «Ануш» операсини Ўзбек сахнасида қўрсатиш госяни табриқлади ва арман театри ҳам ўз репертуарида Ўзбек миллий операсига эга бўлса яхши бўлар эди, дейди.

Гафур Гулом ўз нутқида ҳафталик қатнашчилари республика бўйлаб сафар вақтида Арманистоннинг ҳар бир колхозчисини, ишчисини, инженерини, ҳар бир аҳолиси томонидан самимий, қардошларча қабул олганликларидан улар жуда хурсанд бўлганликларини айтиди.

Совет Иттифоқи халқ артисти Тамара Хоним ҳаяжонли нутқ сўзлади.

Сўхбат охирида Я. Н. Заробян меҳмонлардан Ўзбек халқига оташин қардошлик саломини топширишини сўради.

Сўхбатда Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари О. М. Багдасарян, Арманистон совет ёзувчилари союзининг раҳбарининг секретарлари Э. С. Толчян, Р. К. Ованнисян, Арманистон КП Марказий Комитети аппаратининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Шу кун Арманистон Ёзувчилар союзини ҳар йилга қардош республика адабиётларини янада ривожлантиришга ва ижодий олоқларини мустақамлашга бағишланган мунозара бўлиб ўтди.



ПАРТИЯГА

Дустур қўлимизда қақноқ маякдек; Юрт бўйлаб таралар унинг ёғдуси. Қаср қурмоқчимиз кўкси юз тоғдек, У билан ушлар халқлар ораси. Сен кўш мисоли инсонга падар! Сеннинг нури билан мунаввар олам. Сен билан умирдан рози минг қадар Советлар юртида ишовчи одам. Сен борсан бу юртда куд-аналар Унбеш республика бири-бирига, Тугаш бўлиб кетган ери-ерига,

Бу дўстлик ҳиммати фақат сендандир. Сенг одиқшайимиз ота-Партия! Сенга бағишлайимиз дўст қасдани, Сеннинг меҳрин билан топдик тарбия. Сен билан тотамиз бахт нашадани, Бутун дастуригдан ҳар дил чарогон, Букув бунёд бўлди эллар тилган. Ўзинг бошимизда буюк қаробон, Сен билан мунаввар юрт келажати.

САИЕР.

ҲИССАМИЗ

Колхозимиз аъзолари яна бир улкан ҳадабани қўлга киритдилар. Биз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақани кучайтира бориб, пахта сотиш юзасидан зимиға олгинг социалистик мажбуриятини энг яхши ҳам бажардик. 525 гектар ерининг ҳар гектаридан планди 38 центнер ўрнига 45 центнердан ҳосил йиниб олинди. Тайёрлаш пунктлари пахтадан ташқари 373 тонна пахта етказиб берилди.

Ўзаро парваршишни намунали ўтказиб, мўл ҳосил етиштирган ва жойбозлик қўрсатган ўртоқ А. Абдураҳмонов бошлиқ бригада аъзолари айниқса юқори қўрсаткичларга эришдилар. Бу бригадада гектардан олгинг ҳосил 50 центнерга етди. Шунингдек ўртоқ Қим Григорий бошлиқ бригада ҳам 158 гектар ерининг ҳар гектаридан 50.1 центнердан пахта тоширди.

Умуман олганда колхозимиз бўйича ҳосилдорлик 1958 йилдаги қараганда 2,3 баравар кўпайди.

Ҳали даламизда ҳосил бор. Биз яна гектардан 2 центнердан пахта

кажҳўри кўпоиси йиниб олинди. Бундай юқори ҳосил ўртоқ Л. Любавь бригадасида етиштирилди.

Шу билан бир вақтда биз шугдорлаш ишларини ҳам кучайтириб юбордик. Ҳозирча 1963 йил ҳосили учун 1200 гектар ер шугдор қилиб қўйилди. Шугдорлаш билан бир вақтда ерга минерал ва маҳаллий ўғит ҳам солинаётган.

Колхозимиз қоравдорлари ҳам мажбуриятларини муддатдан илгари бажармоқдалар. Давлатта гўшт топшириш реални 100 процент бажарилди. Тукум сотиш реални 159 процент, жун сотиш реални 113 процент бажарилди. Шунингдек йиряк шохли қоравдорлар ва сигирлар, майда шохли моллар туёғини қўйларини пиларини ҳам ортиги билан адо этилди.

Чорва учун етарли миқдорда ем-хашак тайёрланди. Шу кунларда колхозчиларимизнинг бутун диққат-эътибори қолган ҳосилнинг сўнгги граммларига ҳақ йиниб-териб олиш ва давлат олдидаги ўз мажбуриятларини тўла бажаришга қаратилган. Ҳамма майдонини ўз вақтида шугдорлаб қўямиз. Келгуси йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан янада мўл ҳосил етиштириш учун инманис зарур бўлса, амалга оширамиз. Чорва қишлоқини муваффақиятли ўтказиб, Партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошириб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўлигини вужудга келтириш ишга муносиб ҳисса қўшамиз.

М. Г. ХВАН, Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Д. С. ПАК, колхоз партия комитетининг секретари.

ин албатта бажарамиз. Бу йил колхозимизда ҳар гектар ердан 1979 центнердан думбул сўтаси билан мак-

Варшава шартномаси мамлакатлари қуролли кучларининг штаб бошлиқлигини таъинлаш тўғрисида

Маълум бўлишича, Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлашган қуролли кучларининг штаб бошлиқ лавозимига армия генерали П. И. Батов таъинланган. (ТАСС).

РАҚАМЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

1961 йилда 1913 йилдаги инсбатан саноат маҳсулотининг ҳажми СССРда (ҳозирги четгарапар ичида) 44 баравар, АҚШда 5,24 баравар, Англияда икки баравардан сал энг, Францияда 2,7 баравар, Германия Федератив Республикасида 3,67 баравар ва Италияда 5,6 баравар кўпайди.

Ўтган йили СССРда электростанциялар қувватининг ўсиши 7,377 минг ваттваттин ташкил этди. Бу — мамлакатда 1913 йилда маъжуд барча қувватлардан қариб етти баравар кўпроқ ва 1937 йилдаги маъжуд қувватлардан салгина камроқдир.

Ҳозирги вақтда СССР 12 соат ичида Лениннинг машҳур ГОЭЛРО реални амалга оширилган биринчи йил бўлган бутун 1921 йилда қанча электроэнергия ишлаб чиқарилган бўлса тахминан ушанча электроэнергия (йрим миллиарддан энгд киловатт соат) ишлаб чиқарилмоқда.

Совет Иттифоқи кўмир ва темир руда қазиб чиқариш, кокс, янғича темир-бетон, магистрал телловозалар ва электророзлар, ёғоч-тахта, жун газлама, канд-шаклар, мол ёғи ишлаб чиқариш, баллиқ овлан бўйича ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича АҚШдан ўзб кетди.

1929 йилда СССР 3,6 минг трактор (15 от кучига ҳисоблаганда) ишлаб чиқарган эди. АҚШ эса 204 минг трактор чиқарди. 1961 йилда Совет Иттифоқида 601 минг трактор ишлаб чиқарилди, АҚШ да эса 450 минг трактор чиқарилди.

Етти йилликнинг уч ярми йил мобайнида Совет Иттифоқида 3.200 та йиря: саноат корхонаси, шу жузладан хи-

мия саноатининг 150 заводи қурилли ва ишга туширилди.

Кейинги беш йил ичида мамлакатимизда 50 миллион киши янги уйларга кўчб кирди. Ўтган йилнинг ўзидогиша шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида 2,7 миллиондан кўпроқ квартира қурилды. Бу эса шу давр ичида АҚШ, Англия, Франция, Германия Федератив Республикаси ва Италия мамлакатларининг ҳаммасида қурилган квартира миқдорига баравардир.

1913 йилда мамлакатда 76,5 миллион тонна дон (дуккакли экинларни қўнган ҳолда) етиштирилган эди; 1953 йилда 82,4 миллион тонна ва 1961 йилда қариб 138 миллион тонна дон етиштирилди.

1909—1913 йилларда мамлакатда ўртача йиллик пахта етиштириши 744 минг тоннани ташкил қилган эди; 1953 йилда 3,85 миллион тонна ва 1961 йилда 4,5 миллион тонна пахта етиштирилди.

Мамлакатда 1953 йилдаги нисбатан қорамоллар сонини кўпайтириб, 55,8 миллион бошлар, 82,1 миллион бошга, қўчалар сонини 33,3 миллион бошдан 66,6 миллион бошга ва қўйлар сонини 115,5 миллион бошдан 144,4 миллион бошга етди.

Бу йил мамлакатда экин майдонлари 215,7 миллион гектар, ин ташкил этди. Бу эса ўтган йилдан 11 миллион гектар кўпроқ.

Мамлакатда аҳолининг ўртача умри узунлиги революциядан олдинги даврдига нисбатан икки баравар ошди, болалар ўлими эса 8,5 баравар қисқарди.

Аҳолининг ижтимоий фондлардан олган ҳар хил тўловлар

ва имтиёзлари 1940 йилдан 1961 йилгача бўлган давр ичида беш баравардан энг — 4,2 миллиард сўмдан 26,4 миллиард сўмга (янги пул ҳисобида) кўпайди.

1961—1962 ўқув йилида СССРда 56 миллион киши, шу жузладан умумий таълим мактабларида 39 миллион киши, ишчи ва қишлоқ ишлар мактабларида 3,2 миллион киши, билим юртларида ва профессионал-техника таълим мактабларида 1 миллион 266 минг киши, ўрта махсус ўқув юртларида 2 миллион 370 минг киши ва олий ўқув юртларида 2 миллион 640 минг киши ўқиди.

СССРда ўтган йил ҳар 10 минг кишига олий ўқув юртларининг 120 студенти тўғри келди. АҚШда ўшанча аҳолига (киши: коллежаларнинг ўқувчиларидан ташқари ва аслида олий ўқув юрти ҳисобланмаган таълим қурусларидан ўқидиган бир қанча ўқувчилар гуруҳларини қўшмаган ҳолда) олий ўқув юртларининг 111 студенти, Англияда қариб 29 студенти, Францияда 44 студенти, Италияда 36 студенти, Германия Федератив Республикасида 34 студенти, Хиндистонда 19 студенти, Туркияда 19 студенти, Эфиопияда 0,4 студенти тўғри келди.

1961 йилда СССРда халқ хўжалигида банд бўлган 1.236 минг дипломли инженер бор эди. АҚШда эса (1960 йилда) буларнинг сони 525 минг киши эди.

Совет Иттифоқи аҳоли энг катта бўлиб кетган ва бола энг кўп туғилётган мамлакат бўлиб қолмоқда. 1961 йилда ҳар 10 минг аҳоли ҳисобига туғилган болалар сонини 238 кишини ташкил этди. Шу йилнинг бошида СССРнинг аҳолиси (тахминан) қариб 220 миллион кишини ташкил этди.

СССР Министрлар Советида

Меҳнаткашларнинг хоҳиш-истакларини эътиборга олиб, СССР Министрлар Совети дам олиш кунининг 4 ноябрь ақшанба кунидан 1962 йил 6 ноябрь сешанба кунига кўчиршига қарор қилди.



Ўртоқ М. Г. ХВАН.



Ўртоқ Д. С. ПАК.



ВИЖДОН БУРЧИ

Коммунистик партия махсулот миқдорини тинмай кўпайтириб бориши билан бирга унинг сифатини ҳам ҳозирги юксак талабларга тўла жавоб берадиган даражада яхшилаш зарур деб кўрсатмоқда.

«Махсулотнинг сифати — систематик суратда ошириш, — дейилади КПСС Программасида. — Экономикани ривожлантиришнинг зарур шартидир. Совет корхоналари махсулотларининг сифати энг яхши капиталistik корхоналар махсулотининг сифатидан анча юқори бўлиши керак. Буни учун кенг тадбирлар системасини, жузудан, жамоат контролининг қўлланиш, планлаштиришда, корхоналарнинг ишларига баҳо беришда, социалистик мусобабада махсулотларнинг сифат кўрсаткичларини ролини ошириш зарур».

Ҳозир фақат миқдор кетидан кувши билан иш битмайди, ҳар бир завод ёки фабриканинг махсулоти сифатли бўлиши керак. Шунинг учун ҳам Москва шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари «Совет махсулоти — жаҳонда энг сифатли махсулот бўлиши!» деган шпор остида янги ватанларарлик ҳаракатини бошлаб юборганларидан таънабосини олганлиги билан, янги махсулотни олишдаги миздаги ўнлаб завод, фабрика, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари қизин қўллаб-қувватладилар. Айрим коллективлар ўз корхоналари марнаси шаънига доғ туширмалик учун махсулот сифатини яхшилаш имконини берадиган мавжуд ички резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида ишлаб чиқаришнинг бу муҳим кўрсаткичини анча юқори кўтаришга муваффақ бўлмоқдалар.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи, «Чирчисель-маш», чини заводлари, «Қизил тон» тикувчилик фабрикаси, Янрик панелли тайёр уйлар комбинатининг биринчи монтаж бошқармаси ва бошқа корхоналарини шулар жумласига киритиш мумкин. Бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган махсулот сифати устидан қатъий назорат ўрнатилган, ҳар бир ишчи, инженер-техник ходимнинг ўзи тайёрлаётган махсулот сифатига нисбатан масъулияти оширилган.

Коммунизм кўриш манфаатлари ҳар бир корхона, қурилиш ташкилотининг коллективидан фақат сифатли меҳнат қилиши талаб этилади. Аммо, афсуски ҳали областимизда ана шу юксак талаблар даражасида ишламаётган. Унинг сифатсиз махсулотлари билан давлатга катта зарар келтирилган, ҳақиқатда истеъмолчиларнинг норозилигига сабаб бўлаётган корхоналар анчагина бор. Тошкент транспорт машинасозлиги, трактор-Янгув, «Ўзбексель-маш». Оҳангарондаги темир-бетон деталлари заводлари каби бир қанча корхоналар шулар жумласига кирди.

Тошкент транспорт машинасозлиги заводида тайёрланаётган махсулот сифатининг ёмонлиги ҳақида жуда кўп таъқидий фикрлар айтилганлиги ҳаммага маълум. Аммо корхона раҳбарлари ҳамон бундан тегишли хулосалар чиқариб олганларича йўқ. Брак, сифатсиз махсулот тайёрлаш давом этириляпти. Завод маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари раҳбарлари ана шундай камчиликларни бартараф қилишга астойдил киришилди, сифатни яхшилаш учун фақатгина сўзда қурашмай, вадалар беравермай, балки конкрет чора-тадбирлар белгилашлари ва уларни амалга оширишлари лозим. Ҳар бир детал ва узелнинг сифати устидан қатъий контрол ўрнатилди, бракка, сифатсиз махсулот ишлаб чиқаришда айбдор бўлган шахсларга нисбатан кескин қоралар қўрилди, ишлаб чиқариш технологиясини тинмай тақомиллаштирилди керак.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг моддий турмуш шартини яхшилашга, кун сайин охиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шунинг учун ҳам кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш тобора кўпайиб бормоқда. Аммо уларнинг сифатини кўнглидагидек деб бўлмади. Жуда кўп энгил, озиқ-овнат саноати корхоналарининг раҳбарлари миқдор кетидан кувши, сифатга инкинчи даражада нисбатан махсулот сифатига нисбатан масъулияти оширилган.

Партия: халқ — тарихни яратувчидир, коммунизм — халқ кўли билан, унинг куч-ғайрати, ақлидроки билан қурилади, деган марксча-ленинча қондага асосланади. Коммунизм ғалабаси кишиларга боғлиқ, коммунизм ҳам кишилар учун қурилади. Ҳар бир совет кишиси ўз меҳнати билан коммунизм тантанасини яқинлаштиради. Коммунистик қурилиш муваффақиятлари ҳаммага мўлкўчлик ва қувноқ ҳаёт бағишлайди, Совет Ватанининг куч-қудратини, шон-шарафини ва шухратини янада юқори кўтаради. (КПСС Программасидан).

СССР қурилиш ва Архитектура Фанлари академиясининг Тошкентдаги қурилиш инжир-техничир институтининг лабораторияси ходимлари капитал қурилиш вазифаларини амалга оширишга катта ҳисса қўшаётганлар. Суратда: профессор А. Аспрапов (чапдан иккинчи) илмий ходимлар билан янги проектлар ҳақида суҳбатлашмоқда. Д. Туреунов фотоси.



МЕХАНИЗАЦИЯ ЁРДАМИ ТУФАЙЛИ

Далаларимизда бу йил мўл ҳосил етиштирилди. Партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қишлоқ хўжалигини кескин ривожлантиришга қаратилган тарихий қарорларидан руҳланган ишчиларимиз йилнинг биринчи тоғи ушшоқнинг билан ўтказиб 29 октябрда пахта сотиш планини бажаришга муваффақ бўлдилар. Давлатга сотилган 12 минг 224 тонна «оқ олтин»нинг 88 проценти биринчи суртга қабул қилинди. Шуниси қувончлик, гузави парварши қилиш ва йилнинг биринчи асосан механизация ёрдамида бажарилди.

Бу йил долгор механизатор ўртоқ М. Чачи раҳбарлик қилаётган 5-бўлим меҳнаткашлари айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бу бўлим 18 октябр-

даёқ планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берган эди. Хозиргина 5-бўлим 109,2 процентлик адо этилди. Шунингдек ўртоқ Д. Токов бошқарувни бўлган 1-бўлим

коллектив ҳам пахта тайёрлашда яхши натижаларга эришти. Бугун планини бажаришнинг адо этилиши рапорт берар эканмиз, бу йилга унинг катта ҳиссасини қўшган механизаторларимиз номини ҳурмат билан тилга оламиз. Мана улар: Ччи Ридови, Эбасан Эбазер, Айдер Волков, Мамат Оқбугаев, Фекрет Масин, Абдурашит Гафуров, Сервер Жамалев, Сентурмер Девлетов, Рушди Вагапова, Иман Рибакоев, Олихон Қодиров, Акрам Азизхўжаев ўртоқлар. Уларнинг ҳар бири юз тонна ва ундан охириб пахта тердилар.

Соҳхоз коллективни чорва моллари учун етарли равишда ем-хашакка эга ва чорва қилмига пухта тайёрларини қўрилди. Бу Октябрнинг 45 йиллиги шарафига қўшнича равишда яна 1500 тонна «оқ олтин» топишига аҳд қилинди. Келгуси йил ҳосилга ҳам тайёрларини қўришни бошлаб юборганмиз. Ишонинг охирига қадар шудорларини тугалтаймиз.



Ўртоқ И. ИБРОХИМОВ.

Ўртоқ А. Н. ЛАНГОВИЙ

И. ИБРОХИМОВ, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг директори. А. Н. ЛАНГОВИЙ, совхоз партия комитетининг секретари.

ЛЕНИНЧА ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ

Шонли ленинчи Коммунистик партия ва бутун совет халқи тарихида янги, ёрқин саҳифа очган КПСС XXII съезди сира хотирдан кўтариладими. Чунки бу съезд мамлакатимизнинг янги равишга йўлга киритилган, коммунизм қурилиши аниқ олдинлардан даврга қадам қўйганлигини бутун дунёга тантанали равишда ёллон қилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзларининг ана шу бурчларини яхши хис қиладилар. КПСС XX съезидан кейин ўтган йиллар ичида республикамизда фан ва маданият янада барқ уруви ривожланди. Мисол учун шунинг айтиш қилолқи, ҳар йили олий ва ўрта махсус билимга эга бўлган мутахассислар етиштириш деярли 30 минг кишига етмоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев қардош республикамизда қўлга киритилган катта муваффақиятлар ҳақида гапириб, бундай деган эди: Ўз республикамизнинг халқлари эришаётган муваффақиятлар билан фахрланамиз. Бу муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилган йўқ. Бу муваффақиятлар халқларнинг — турман, ўзбек, тоjik, киргиз, рус, украин халқларининг, Совет Иттифоқидagi барча халқларнинг меҳнати натижасидир. Бу халқлар коммунизм қуришидан иборат умумий ишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати КПСС Программасида ўз ифодасини топди ва янада ривожлантирилди. Бу доно сиёсат СССР даги ҳамма халқларнинг экономикаси ва маданиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун жуда кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Шунинг учун ҳам бизнинг халқ хўжалик планларимизда республикамизда иқтисодий алоқаларини тарғиб қилишнинг ҳамма мамлакатимиздаги турли районлар ўрасида меҳнатни социалистик асосда тақсимлаш назарда тутилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўрта Осиё республикамизнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги алоқалари кундан-кунга кенгайиб бораётди. Бу республикамиз коммунизмининг моддий-техника базасини яратишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Маълумки, Ўрта Осиё иқтисодий райони мамлакатимизда етиштирилаётган пахтанинг 90 проценти бермоқда. Ўрта Осиё корхоналарида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар Совет Иттифоқининг жуда кўп шахрларига етказиб берилаётди. Бу махсулотлар 60 чет эл мамлакатига экспорт қилинмоқда. Гидроэнергетика ресурслари бўйича Ўрта Осиё иқтисодий райони мамлакатимизда иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Табиий газ запаси бўйича мамлакатда биринчи ва нефть ишлаб чиқаришда эса учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Ўрта Осиёдаги тўрт қардош республикамизнинг куч-ғайрати билан жуда катта аҳамиятга эга бўлган қурилиш ва ишчилош бунда келди. Катта Фарғона канали, Чоржўй-Кўнғирот темир йўли, Фарход ва Қайроққум гидроэлектростанциялари шулар жумласидандир. Шунингдек, Мирзачўли ўзлаштириш ишлари кенг майдонда олиб бориладими.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз энг муҳим иқтисодий вазифани бажаришга — коммунизмининг моддий-техника базасини яратишга киришти. Республикамизда иқтисодий-маъмурий районлар ўрнатилган хўжалик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тобора зарур бўлиб қолмоқда.

Ўрта Осиё республикалари Қозғистонга, Урғолга ва мамлакатимизнинг бошқа районларига жуда кўп миқдорда табиий газ зоборилари мумкин. Бухоро-Урғол газ трассаси қурилмоқда. 1963 йилга Қелиябик шаҳрининг саноат корхоналари Бухоро газидан фойдалангани бўлади. 1965 йилда эса бу газ Свердловск шахрига ҳам етиб боради.

Ўзбекистоннинг табиий табири Тошкент, Қирғизистон, Туркманистон, Қозғистон ва Россия Федерацияси каби қардош республикамизнинг саноатини ривожлантиришга катта ёрдам беради.

Республикамиз гидроэнергетика ресурсларидан ҳам рационал фойдаланилмоқда. Тошкент энергосистемаси Учўртгон ГЭСи орқали Қирғизистоннинг жануби билан алоқачоқлар болган. Бу система Қайроққум ГЭСи орқали Тошкентнинг шимоли билан ҳам болган. Тошкент — Чимкент электр линияси орқали Қозғистоннинг жануби ра йубилди. Янги йиллар ичида Ўзбекистон, Тошкент, Туркманистон, Қирғизистон ва Жанубий Қозғистоннинг энергосистемалари Ўрта Осиё ягона энергосистемасига бирлашади.

КПСС Программасида Ўрта Осиё республикалари ҳамда Қозғистоннинг табиий ресурсларини ўзлаштириш вазифаси қўйилган. Сирдарё ҳавзасида янги пахтачилик районини вужудга келтириш назарда тутилмоқда. Бу ерда дастлабки ҳисобларга қараганда, Мирзачўл ерларининг 800—850 минг гектарини суғориш мумкин.

Тожикистонда Нурек ГЭСининг қурилиши Ўзбекистон ва Тошкент республикаларига қаратилган катта маълумотлар ерларни суғориш имконини беради. Ўрта Осиё иқтисодий райони пахта етиштиришдаги роли бешиққа қаттидир. Ўрта Осиёдаги беш қардош республика меҳнаткашлари номажор Ватанга тобора кўпроқ «оқ олтин» етказиб бериш иштиғини билан янамайдилар. Улар текириш бригадалари пахтакорларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Эндиликда мамлакатимиздаги пахтакор республикамиз ўрасидаги социалистик мусобаба яқинлаб туриш яхши традиция бўлиб қолди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати барча иттифоқчи республикамизнинг эконоимаси ва маданиятини янада ривожлантириш тўғрисида кун сайин гамхўрлик қилолмоқдалар. Буни биз республикамиз мисолида ҳам ақлоқ қўришимиз мумкин. Яқиндагина КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Оҳангарон-Олмалик саноат районига меҳмон бўлиб келди. Республикамиз рағбати металлургиясининг марнаси бўлиши Олмаликда ўртоқ Хрушчев бир қатор корхоналарнинг иши билан таанилди. В. И. Ленин номидаги кон-металлургия комбинати мис саралаш фабрикасининг биринчи навбати ишга туширилди катнашди.

Мис-саралаш фабрикаси биринчи навбати қуришда мамлакатимиздаги турли миллат ишчилари қатнашиллар. Москва, Ленинград, Киев, Харьков саноат корхоналари ҳамда қардош республикамизнинг 18 дан ортиқ лоийҳалаш институтлари, 300 га яқин саноат корхоналари фабрика қурилишида актив иштирок қилдилар. Бу — Ўзбекистон рағбати металлургиясини ривожлантиришда мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг интернационал ёрдамидир.

СССРнинг миллий масалани ҳамда миллатларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши проблемаларини ҳал қилишдаги тажрибаси жуда катта халқро аҳамиятга эгадир. В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ бизнинг мамлакатимиз ер юзидagi барча меҳнаткашлар учун қудратли илҳомлантирувчи намуна бўлади деб айтган эди. Ҳаёт умур доҳининг галлари ҳақ эканлигини тўла исбот қилди.

Биз Ўрта Осиё республикаларининг тарғиб ҳам гуллаб-яшнаётганлиги мисолида ленинча миллий сиёсатининг тантанасини кўриб турибмиз. мамлакатимиздаги ҳамма қардош халқларнинг КПСС XXII съезди қарорларини амалга оширишдаги, коммунизм қуришининг удув программасини бажаришдаги иқодий меҳнатининг самарасини кўриб турибмиз.

В. БАГДАСАРОВ, тарих фанлари кандидати, доцент.



Тошар Маъди Сакаев Тошкентдаги ремонт экскаватор заводининг пешкада ишчиларидан бири. У Улуз Октябр байрагини арафасида ҳар қанчогилдан кўра унулди меҳнат қилиб, қурилиш ишлаб чиқариш топширилари 2 ҳиссадан адо этмоқда. Суратда: ўртоқ М. Сакаев иш устида. М. Комлев фотоси.

КОММУНИСТИК МАШИНИСТ



МАЖБУРИЯТИМИЗНИ ҲАМ БАЖАРАМИЗ

КПСС XXII съезди тарихий қарорларидан, замонамизнинг энг улуғ ҳужжати—партиямизнинг янги Программасида олдинга қўйилган вазифалардан чексиз руҳланган колхозимиз аъзолари бу йил янги-янги меҳнат зафарларини қўлга киритмоқдалар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 45 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш учун мусобақа байроғини баланд кўтариб пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажардик.

1700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан пахта топириди. Давлатга жами 5528 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Олтин социалистик мажбуриятимизни ҳам бажариш, яъни гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш учун тагин 1272 тоннага яқин пахта териб олиб топиришимиз керак. Бу шарафли вазифанинг улдасидан чиқамиз албатта.

Йиллик планининг муддатидан илгари бажарилиши ва шунчалик мўл ҳосил еттирилиши колхозимиздаги барча меҳнат аҳлининг қаҳрамонона ишлаганини самарасидир. Мўл ҳосил еттирилишлари ва унч тез териб олиналгани машинанинг шарофатидир.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Ғаммазаров бошлиқ бригада аъзолари 193 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил кўтардилар. Ҳозир бу бригада аъзолари гектаридан тагин 12 центнердан «оқ олтин» териб олиб ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Шунингдек Қаҳрамон Хайметов бошлиқ бригада ҳам гектаридан 36,5 центнердан ҳосил топириб, яна 4 центнердан ҳосил кўтариш учун интилоқда.

Баҳром Юсуфжонов бошлиқ 17-бригадада 143 гектар ердаги ҳосилнинг 80 проценти, яъни 120 гектар майдондаги пахтадан нуқул машинада териб олинди. Бу ерда гектар бошига ҳосилдорлик ҳозирининг ўзидаёқ 35 центнерга етди.

Колхозимизда пахтадан машинада териб олишга алоҳида аҳамият берилди. 476 гектар ердаги ҳосил машинада териб олинди. Унинг қўлимизда 14 та терим машинаси бор эди. Иш дозлар келиб қўлиб қўшни колхозлардан яна 14 та машина сўрадик. Шундай қилиб теримнинг энг қизғин кунларида 28 та машина ишлаб хирмонга беракча қўшиб турди. Жами 1108 тонна пахта машинада терилди.

Ҳосилнинг анчагина қисмини машинада терилишининг иқтисодий

фойдаси жуда катта. Машинанинг шарофати туфайли колхоз 33880 сўм маблағ тежаб қолди. Агар 1 центнер пахтадан кўндала 4,5 сўм сарфланган бўлса, машинада шунча пахта теришга бор-йўғи 60 тийин кетди.

5 минг тонна пахта қоп-қанорсиз ташилди. Агар шу ҳосил қоп-қанорда ташилганида бунинг учун 33476 сўм сарф бўлар эди. Прогрессив усулда пахта ташини туфайли 11501 сўм маблағ кетди ҳосил.

Чевар теримчилардан Инобат Тўйчиева 10 тонна, Мажжуда Омонова 8 тонна, Мажжуда Мавлонова 12,5 тонна, Тўхтаеви Усмонова 10 тонна, эвено бошлиғи Раҳим Бердиев 8 тонна пахта териб планининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Колхозимиз аъзолари жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантиришда ҳам яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. 625 бош сиғирнинг ҳар биридан ҳозиргача 2,5 тоннадан сўт соғиб олиб ҳозиргача давлатга 828 минг килограмм сўт етказиб берилди. Давлатга 1600 центнер гўшт сотиб, бу соҳадаги йиллик планини ҳам бажардик.

Жуи, туҳум, пилла, галла тайёрлаш планини ҳам олгини билан адо этдик. Шаҳар аҳолига пилладан анча кўп сазовот, нартошча, қовун-тарвуз етказиб бердик.

Чорвачинг намунали қишлоғи учун пландаги 10 минг тонна ўрнига 11 минг тонна силос бостирилди. Дағал хашак тайёрлаш плани ҳам олгини билан бажарилди.

Колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ўстиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Фидокорона меҳнат қилган азаматлар фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Колхозимизнинг бу йилги даромади 4 миллион сўмдан ортади.

Коммунизм фидокорона меҳнатимиз билан қўрилади. Буни яхши тушуниган колхозимиз аъзолари яна ҳам яхшироқ меҳнат қиладилар. Ҳосилни сўнгги граммгача тез териб олиб, келуси йилда ҳам мамлакатга мўл-кў «оқ олтин» ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун ҳозирдан мустақам замин яратамиз.

А. МАТҚОВУЛОВ,
Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
Х. ЭЛБУСИНОВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

Т. НАЖМИДИНОВ,
Янгйўл районидagi «ХИП партсез» колхоз.

Суратларда: «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси А. Матқовулов, партия ташкилотининг секретари Х. Элбусинов, теримчи К. Отамирзаева, механик-ҳайдовчи А. Абдукаримов, бригада бошлиғи К. Хайметов ўртоқлар.



(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Ишлаб чиқариш бошқармалари	Йил кўндал		Машина терими		Коп-қанор-сиз ташини
	Йил кўндал	Мақсум бо-шидан бери	Йил кўндал	Мақсум бо-шидан бери	
Тошкент	1,35	97,14	0,80	92,66	132,06
Янгйўл	1,02	87,66	0,85	84,35	103,71
Чирчиқ	1,09	68,94	0,63	48,57	85,88
Янгйер	1,43	65,55	1,24	53,87	79,65
Сирдарё	0,95	52,05	0,80	46,49	70,86
РАЙОНЛАР:					
Кўйи Чирчиқ	1,04	110,23	—	140,78	116,11
Оржоникидзе	1,29	92,96	0,80	92,66	128,83
Юқори Чирчиқ	0,87	91,00	0,34	72,39	82,74
Чиноз	0,99	89,37	2,54	59,10	115,96
Ўрта Чирчиқ	1,51	80,02	2,18	81,37	96,05
Янгйўл	1,09	77,89	0,34	65,82	97,31
Пискент	1,05	72,43	0,18	47,56	86,28
Бўка	0,97	66,96	—	38,57	94,94
Янгйер	1,63	66,35	2,48	85,30	83,63
Бекобод	1,19	64,63	0,24	34,72	75,40
Сирдарё	0,89	58,81	1,05	65,84	82,54
Оққўрғон	0,73	55,61	—	29,06	68,16
Комсомол	1,20	51,52	0,69	32,90	68,04
Гулистон	0,76	40,27	0,50	30,87	52,40
Область бўйича	1,12	68,82	0,97	55,38	86,08

Баракали хирмон кўтардик

Бугун жонажон Коммунистик партиямизнинг янги Программасида набул қилинган кўндала роса бир йил бўлди. Колхозчиларимиз ана шу улуғ айтган давлат шараф билан бажариб галаба рапорти берган йилларнинг учун ҳам чексиз қувонмоқдалар.

Партиямизнинг бу муҳим ҳужжатида қишлоқ хўжалигининг бир қисми тармоқларининг, шу жумладан пахтачилликнинг кескин даражада ривожлантирилиши аниқ йўл-йўриқлари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Утган бир йил мобайнида бизнинг пахтакорларимиз партиямиз чизиб берган ана шу йўл-йўриқлардан юриб, «оқ олтин»дан баракали хирмон кўтардилар.

Бугунги кунга қадар колхозимизнинг бепоён пахтазорларидан Батам омборига 7166 тонна аъло сифатли «оқ олтин» жўнатилади. Ишнинг қизғин билан деҳқонларимиз 2500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28,6 центнердан «оқ олтин» кўтаришга муяссар бўлдилар. Суяғи пахтачилликда қотган деҳқонлар бошчилиги қилаётган бригадаларнинг ҳосилдорлиги бундан ҳам юксак. Хусусан ўртоқ Т. Раҳмонқулов бошлиқ бригада аъзолари эришган ютуқ эътиборни ўзига жалб этади. Бу ерда юз гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 36,5 центнердан пахта ҳосили йиғиб-териб олинди. Р. Пирматов, Т. Эрбеков, А. Абдуқодиров, О. Разақов, Қ. Суяров, Э. Донаев сингари ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам ҳосилдорлик 30 центнердан анча ошириб юборилди.

Биз бу йилги мавсумда қўдратли агрегатлардан умумий фойдаланишга алоҳида эътибор берганимиз. Механизаторларимиз бугунги кунга қадар пахтадан машинада териб планини 132 процент, ҳосилни пунктга қоп-қанорсиз элтиб бериш планини эса 160 процент

мова сингари азаматлардан чексиз миннатдор бўлмоқдалар. Бу «зангори кема» капитанларининг ҳар бири ҳозиргача эл хирмонига 100 — 130 тоннадан «оқ олтин» тўкиб қўйди. Деҳқонларимиз Норбуев Шералыева, Эшмурод Қодиқов, Бувинос Раҳимова, Жўра-



Ўртоқ Т. ЛАТИПОВ. Ўртоқ Р. ЭГАМБЕРДИЕВ.

Улуғ Октябрь 45 йиллиги шарафига ўз социалистик мажбуриятини ҳам бажарган „Политотдел“ ҳамда планларини муддатидан олдин адо этган „Қизил Ўзбекистон“, „Полярная звезда“, „Коммунизм“ колхози меҳнаткашларидан ўртак олинг!

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Куч бирликда деб шунга айтилади. Терим бошланган дастлабки кўндалоқ ҳаммамиз ишга ушшоқлик билан киришдик. Теримчилар, механик-ҳайдовчилар, худлас колхозимиздаги катта-кичининг ҳар бири астойдил меҳнат қила бошладилар. Бригадалар ва эвенолар ўрта-сида ўзаро социалистик мусобақа кучайтирилди. Вақти-вақти билан мусобақаларга якуни ясаб, илгорларни рағбатлантириб турдик. Нобудгарчиликка сира йўл қўймастик чоралари қўрилди.

Мана, энди Совет Иттифоқи Коммунистик Партиясининг янги Программаси эълон қилинганга бир йил тўлган кунни арафасида она-Ватанга планини бажардик, деб ёруғ юз билан рапорт бердик. Фидокор колхозчиларимиз 55 кун ичида пахта тайёрлаш давлат планини муваффақият билан бажардилар. Биз шу кунга қадар набул пунктларига 4.235 тонна пахта жўнатидик, яъни 1.520 гектар ернинг ҳар гектаридан 27,8 центнердан ҳосил олинди.

Машина деҳқонининг энг яқин дўсти экинликка яна бир бор қатъий ишонч ҳосил қилдик. Машиналар билан 1.800 тонна пахта йиғиб олинди ва бу соҳадаги план 180 проценти етказиб бажарилиди. Малик Сувонов, Нам Син Ман сингари уйлаб механик-ҳайдовчиларимиз меҳнатда ажойиб намуналар кўрсатдилар. Улар 100—115 тоннага етказиб хирмонга пахта тўкидилар.

Бир қатор бригадалар, айниқса, юқори кўрсаткичга эришдилар. Жумладан Ли Николай бригадаси 144 гектар ернинг ҳар гектаридан 35,5 центнердан, Мирхалил Мирзатов

бригадаси 75 гектар ернинг ҳар гектаридан 29,2 центнердан, Эргаш Бўтаев бригадаси 83 гектар ернинг ҳар гектаридан 29,3 центнердан, Холмат Бойжигитов бригадаси 105 гектар ернинг ҳар гектаридан 30,7 центнердан ҳосил йиғиб олди.

Колхозимиз меҳнаткашлари эришган ютуқни амалий иш билан мустаҳкамлашга қарор қилдилар. Биз қолган ҳосилнинг сўнгги граммларигача йиғиб оламиз ва Улуғ Октябрьнинг 45 йиллиги кунигача давлатга қўшимча равишда 500 тонна пахта сотамиз.

Колхозимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттирилишининг бошқа барча турлари бўйича ҳам Давлат планларига бажарилиди. Чорва қишлоғига намунали тайёргарлик кўриб қўйдик.



Ўртоқ КИМ ПЕН ХВА.

Биз йиғим-теримни давом эттириш билан бирга 1963 йил ҳосили учун, қишлоқ хўжалик экинларидан янада мўл ҳосил еттиришни учун зарур бўлган ҳамма тадбирларни ўз вақтида амалга оширамиз.

КИМ ПЕН ХВА, Ўрта, Чирчиқ районидagi «Полярная звезда» колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

К. А. КИМ, колхоз партия комитетининг секретари.

ҲОСИЛДОРЛИК 64 ЦЕНТНЕРГА ЕТАДИ

Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқулова Турсулқулов раислик қилаётган Янгйўл районидagi «Шарқ юлдузи» колхозининг 8-бригадасида ўртоқ Ёқуб Сарибоев бошлиқ бир эвено бор. Бу эвено аъзолари 25 гектарлик пахтазорга ағалик қилдилар. Улар 5 октябрга қадар ҳар гектар майдондан 31,5 центнердан «оқ олтин» кўтариб, берилган планини шараф билан адо этган эдилар.

Пахтакорлар эришган муваффақиятдан хотиржамлиб қолмасдан, ҳар гектар ердан яна 20 центнердан пахта териб олишга аҳд қилдилар. Пахтадорлар ҳаммаси ўз зиммасига оширилган мажбурият олди. Ана шу мажбуриятларини жамлаб чиқиб биз давлатга яна 1850 тонна «оқ олтин» сотишга, ҳосилдорликни 36 центнерга етказишга қатъий қарор қилдик.

Колхозчиларимиз пахта тайёрлаш плани билан бир қаторда давлатга гўшт, сўт, жуи, туҳум, пилла, мева, узум сўғиш йиллик планларининг ҳам олгини билан адо этганликларини ҳақида галаба рапортлари бердилар.

Ота-боболаримиз «деҳқон бўлсанг шудгор қил» деб ҳақ гапни айтган. Биз пахта йиғим-теримини қизғин давом эттириш ҳолда ҳосилдан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгорлаб бораямиз. Эрта баҳорда чигит экинлини лозим бўлган майдонларнинг ҳаммасини 15 декабрдан кечикмасдан сифатли шудгорлаб бўламиз.

Т. ЛАТИПОВ, Янгйер районидagi «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.
Р. ЭГАМБЕРДИЕВ, колхоз партия ташкилотининг секретари.
И. НОРМАТОВ.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ САМАРАСИ

Ўртоқ Ойхўжа Қўрғонов бошлиқ бригада пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганини тўғрисидаги хушхабар колхозга тез тарқалди.

Ойхўжа Қўрғонов бошлиқ бригада аъзолари эрта баҳорда 76 гектар ерга аўр умид билан чигит ташлаган эдилар. Эз бўйи ҳалол меҳнат қилинди, ҳамма мўл ва баракали ҳосилни ўйлаб ишлади. Мана ҳалол меҳнат самараси: ҳар гектар ердан 31 центнердан, жами 240 тоннага яқин «оқ олтин» териб олинди, план ошириб адо этилди. Бригадада ҳосилдорлик гектар бошига ўтган йилдагига нисбатан 6 центнердан зиёд кўпайди.

Чевар теримчилардан Лутфия Юсупова, Манзура Сайдахмедова, Муътабар Маъдиева, Замира Мусабоева, Лиля Салимова ўртоқлар бригада хирмонига ҳозиргача 7—10 тоннадан «оқ олтин» тўкидилар.

Ҳозир бригадада терим суръати жадал давом этмоқда. Муронаат пахтакорларини янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда. «Оқ олтин» усталари гектар бошига яна 9 центнердан пахта йиғиб олиб, социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан бажаришга бел боғладилар.

Т. НАЖМИДИНОВ, Янгйўл районидagi «ХИП партсез» колхоз.



Қйраб пахта тайёрлаш пунктига келаётган «оқ олтин» карванларининг кети узилмайди. Пункт бу йилги мавсумда 8 минг тонна пахта қабул қилини керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ 7 минг тонна пахта қабул қилиб олинди. Суратда: Қйраб пахта тайёрлаш пунктидан кўриниш. А. Абалии фотоси.



Шу кунларда Тошкент киностудияси фильмларини монтаж қилиш лабораториясида иш қилган. Бу ерда монтажчи режиссёр ассистентлар Р. Хамраева ва В. Макаровлар ленталарни сифатли монтаж қилди. Суратда: Р. Хамраева ва В. Макаровлар монтаж қилинган ленталарни кўздан кетирмоқдалар. А. Тураев фотоси.

СПОРТ КУРАШ БОШЛАНДИ

Республикамиз пойтахти Тошкентда теннис бўйича СССР команди биринчилигининг байроғи кўтарилди. «Пахтакор», «Спартак», «Локомотив», «Меҳнат», ТошМИ стадиони кўртларида мамлакатимизнинг энг кучли 150 теннисчилари Совет Иттифоқи чемпиони деган номни оlish учун курашни бошлаб юбордилар.

«Пахтакор» стадионидagi янги қурилган кортда энг кучлилар учрашди. Утган йилги мамлакат чемпиони Москванинг «Динамо» командаси биринчи учрашувда «Авангард» командаси билан учрашди ва 16:1 ҳисобида ғалаба қозondi. Команда ўйинчиларидан спорт мастери Совет Иттифоқи чемпиони ва Чехословакия биринчилигининг голдуби А. Дмитриева, қизлар ўртасида Совет Иттифоқи чемпиони Галина Бакшеева, спорт мастери Рудольф Силовин ва Михаил Мозерлар ўз командалари учун дастлабки очколарни олиб бердилар. Фақат Пармас «Авангард» ўйинчиси Бабийга учинчи қўшимча партияда ютказиб қўйди.

Иттифоқчи республикалар қатнашган иккинчи гуруҳда иштирок этган Узбекистон «Меҳнат» командаси дастлабки турдаёқ мағлубиятга учради. Команда аъзоларида Пушкарев, Иброҳимов, Прокофьева ва бошқалар ўз рақибларига қараганда ожизлик қилдилар. Шуни айтиш керакки, улар ҳали старли техник ва тактик приёмларини пухта ўзлаштириб ололмаган. «Меҳнат», «Нефтяник» (Боку) командасидан 2:5 ҳисобида енгилиди. Мусобақа давом этмоқда.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ЯНГИ БАЛЕТ

Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри яқинда Виктор Гюгонинг «Қудайга одам» романи сюжетини асослашган балетни кўрсатди. — Биз музика ва хореография воситалари билан вазиятни драматизм ва асар қаҳрамонларининг тақдирининг эҳсосларини асослашган балетни кўрсатди. — Биз музика ва хореография воситалари билан вазиятни драматизм ва асар қаҳрамонларининг тақдирининг эҳсосларини асослашган балетни кўрсатди.

МИЛИЦИЯ КУНИ ОЛДИДАН

Жиноят қидирув бўлимининг ходими ишга туғатгач, бўлим навбатчисига уйга матагалини билан кузатиб қўйди. Эшк олдида бир нотаниш аёлни кўриб тўхтади.

— Бу ерда нима қилиб турибсиз? — Сўради аёлдан. — Миллицияга айтдиغان махфийроқ гапим бор эди. Кимга учрашгани билмай турибман, ростини айтсам қўрқаяман. — жавоб берди аёл.

Киринг, гаплашамиз. Нимадан қўрқаясиз? — Оператив ходим аёлни ўз кабинетига таклиф қилди. Унинг таъинлаган ўлимига қўрқатди.

— Хўш, нима гапингиз бор эди? Қўлингизни сизга.

— Мен фабрикада ишлайман, — аёл Лигийўл фабрикаларидан биринчи номини айтиди ва ўзини Феруза Р деб таништирди. Александр Губенко деган бир қўшимча бор — давом этди Феруза. — Ўши йилги йилнинг ўзида 39 СМУда ишлайди. ҳам кечки мактабда ўқийди. Лекин оёқ босиши бежо. Қийин кийимларини кўрсангиз ақилгиз ҳайрон қолади. Қачон қарамаган нукул ресторанда кўрсангиз. Уйда ҳам ҳар кун идифат-болик. Юмшак тақисда. Николай деган бир ошпаси ҳам бор. Тез-тез Тошкентдан уюнга меҳмон бўлиб келади. Ангини билмайман-у, лекин булар ўғиллик қилдилар деб шубҳаланаман. Шуни бир текшириб кўрсангиз...

Оператив ходим бошлиғи олдида кириб аёлнинг гапларини айтди. У билан маслаҳатлашди. Александр Губенко билан Николайнинг кимлигини аниқлашга қарор қилди. ўтказилган тадбирий чоралар режасини тузиб чиқинди. ... Орадан бир кун ўтгач милиция...

— Губенконинг ошпаси Николай икки-уч кундан кейин кўрсатди қайтиб келар эмши, — маълум қилди у.

— Бу гап ҳам тўғри чиқди. Жиноят қидирув бўлимининг Губенко яна кўз остига олдилар. Икки-уч кун орасида у Губенко билан такси миниб шаҳар кездди. ресторанида-ресторан улфатчилик қилиб юрди. Лекин буни жиноят деб бўлди. Миллиция ходимлари бошқа бир нарса шубҳаланганди: бир кун Губенко билан Губенко шаҳар марказидagi атторлик магазинга уч марта кирдилар. Магазин ичини синчилаб кўздан кечирдилар, ҳовлига ҳам қараб қўйдилар. бир неча марта томга кўз ташладилар.

— Бу магазинга «уриш» пайига тўлишганга ўхшайди. — тахмин қилишди милиция ходимлари. Эртаси кун Губенко билан Губенко яна магазинга келиб, унинг атторлигини айланиб чиқинди, ке...

А Ж О Й И Б Л А В Л А Г И

Қирғизистон Фанлар академияси Ботаника институтининг физиология ва биохимия лабораториясига кирган ҳар бир кишини лабораториянинг ўзига сох жихозларини ҳайратда қолдиради. Қолба ва пробиркалар, мураккаб микроскоплар ҳамда табиқалар орасида галати ўсимликлар кўриниб туради. Бу — қанд лавлагини янги сортларининг намуналаридир.

Лавлагининг табиий кўриниши табиб бўлмас даражада ўзгарган. Мана бунининг кўриниши асосини эслатади. Унинг ёнида эса зотикача ўхшаш пика қавати лавлага ўсиб турбди. Валад, тўғри қанда, тўғри яшил рангли лавлага палаги кенг, юмалоқ гўмбаёсимон ёйилган.

ЎЗГАРТИРИЛГАН

Губенко билан Губенко яна магазинга келиб, унинг атторлигини айланиб чиқинди, ке...

Губенко билан Губенко яна магазинга келиб, унинг атторлигини айланиб чиқинди, ке...

ЎЗГАРТИРИЛГАН

Губенко билан Губенко яна магазинга келиб, унинг атторлигини айланиб чиқинди, ке...

ИЗМА-ИЗ...

Иши ҳечгача Горкининг уйида бўқ бўлиб кетишиди. Қош қорайгач қучага чиқинди, Комсомол кўли томон жўнашди. Горкининг кўлида бир сумка бор эди.

... Вақт ярим кечадан оққан. Тунги соат уч ҳам бўлди. Марнавий кўчада бирон нарсанинг қораси кўринмайди. Шу пайт бир новча, иккинчиси панава икки киши қўлга қўйиб бўлди. Икковни ҳам оёқ қилади. Горкин сумма, Губенко нарвон кўртанга ҳолда атторлик магазинига шўнгиб кетишди. Орадан ярим соат вақт ўтгач Губенко нарвонни кўтариб қайтиб чиқди. бир қўлида ўзининг ва Горкининг туғлиси бор эди. У магазиндан анча узоклашгандан кейин оператив ходимлар томондан ушланди. Шу вақтинг ўзида магазини ҳовлиси, томи текширилди. Ленин Горкин қочиб ўтурган эди. Томдан топишган суммадан ҳар қил асбоблар чиқди.

Сўроқ вақтида Губенко қора илтигани тан олишга мажбур бўлди.

Ленин, қора илтилар амалга ошмади. Оддий ишчи аёлнинг қўш-ёрлиги, милиция ходимларининг қўзғатувчанлиги бунга йўл қўймади.

Ж. КЕННЕДИНИНГ Н. С. ХРУШЧЕВГА МАКТУБИ

ВАШИНГТОН, 29 октябрь. (ТАСС). Оқ уй 28 октябрь кечурун АҚШ президенти Ж. Кеннедининг СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевга юборган мактубининг қуйидаги текстини эълон қилди: «Хурматли жаноб Раис!»

БЕРТРАН РАССЕЛ ТЕЛЕГРАММАСИ

ЛОНДОН, 29 октябрь. (ТАСС). Бертран Рассел 28 октябрь кечурун Н. С. Хрушчевга телеграмма юборган. Рассел секретариининг айтишича, телеграммада бундай дейилади: «Хурматли жаноб Хрушчев, мен Сизнинг Куба танглигини бартараф қилганлигингиз хуСУСнда Сизга ўзининг шахсий фикрини айтишни истар эдим. Мен Куба...

Файри расмий якунлар

ПАРИЖ, 29 октябрь. (ТАСС). Франция ички ишлар министри Роже Фрэн конституциянинг реформаси қилиш масаласи юзасидан референдум якунлари тўғрисида метрополия бўйича файри расмий маълумотларни эълон қилди. Овоз бер...

ЎЗГАРТИРИЛГАН

Губенко билан Губенко яна магазинга келиб, унинг атторлигини айланиб чиқинди, ке...

Губенко билан Губенко яна магазинга келиб, унинг атторлигини айланиб чиқинди, ке...